



Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми гам тутай,
Ўз катик холимга ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиглабон бошимга охим дудидин чирмаб каро,
Мотамим эл сўнгра туткунча, ўзум бу дам тутай.

Олам ахлига неча килдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгил, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй жўнгул,
Навха охангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлигдин ўзга йўк дардим иложи, сокиё,
Май кетурким, хам ичай, бир лахза они хам тутай.

Кўйгил, эй носихки, муг дайрида ўз ахволима,
Масти лояъкил ёкам йиртиб суруди гам тутай.

Чун жахон бирла жахон ахлига йўк эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин мухкам тутай.

Маълумки, йигитлик фасли - инсон умрининг энг гуллаган, хаётга шодлик, умид билан нигоҳ ташлайдиган, унча-мунча гам-кайгуни кўнгилга якин йўлатмайдиган бир фасл. Йигитлик умр бахори ва уни бахор гўзалликларидан ажратиб бўлмаслиги учун ҳам Мирзо Бобур: Бахор айёмидур даги йигитликнинг авонидур, Кетур, сокий, шароби нобким, ишрат замонидур, -деб ёзган эди. Аввал "Бадоеъ ул-бидоя", сўнгра эса "Гаройиб ус-сигар" девонидан ўрин олган Алишер Навоийнинг юкоридаги газали хам шоирнинг йигитлик даврида ёзилган. Бирок унда "шароби ноб" эмас, "жоми гам", кувонч эмас, хаёлга келавермайдиган "мотам" хусусида сўз юритилган. Айтиш керакки, газалнинг рухи огир ва кайгули. Оддий шеърхон нари борса, газалнинг бир-икки байтидан сўнг ўқишни тўхтатиши мумкин. Ахир, одам "ўз катик холига ўлмасдан бурун" мотам тутадими - йўкми, бундан катъи назар, вақт-соати етганда, у ўлади. Бас, шундай экан, тирикликни ганимат билмай, унинг шодликларидан дилни яйратмай ўлим хаёлларига берилиб ох-вох килиш нега керак?

Гап шундаки, Навоий газалининг мазмун мохиятини тўгри англаш ва талкин этиш учун, энг аввало, шоир кўзда тутган ирфоний максаддан хабардор бўлмок керак.

Биринчи байтни ўқийлик:

**Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми гам тутай,
Ўз катик холимга ўлмастин бурун мотам тутай.**

Шоир бунда кимга мурожаат этаётир? Кўнгилга. Чунки, кўнгил ошикнинг суянган тоги, ишонган боги. У ўз кўнглининг хукми ила яшайди. Унинг измидан нари кетолмайди. Энди у ўзи учун одатий маросим бўлиб колган "бало базмида" кўнгилга гам кадахيني тутмокчи. Зеро, унинг холи ниҳоятда огир. Шу кадар огир ва кайгулики, ўлимини кутмасдан ўзи учун мотам хам тутмокчи. Бу гаплар юракка ёмон таъсир ўтказиши табиий, албатта. Лекин Навоий замонидаги шеърхон, хусусан, хак ошиклари ва орифлар калбида ушбу сўзлар хасрат эмас, шодлик багишлаган.

"Бало базми" кандай базм, дея ўзингизга бир савол бериб кўринг. Дафъатан жавоб тополмайсиэ. Бало сўзининг лугавий маъноси - офат, мусибат, фалокат, бахтсизлик, азоб, гусса демак. Бало калимаси худди шу маъноларда хам Навоий шеърларида кенг ишлатилган. Шу билан бир катор-да, улуг шоир шеъриятида бало ирфоний хакикатлар ифодаси учун хам хизмат эттирилган. Демак, матндаги асосий гоёга асосланиб, бу сўзнинг рамзий-мажозий мазмуни хисобга олинмаса, зохирий маъно ботиний маъно учун бир "парда" эканлигига диққат килинмаса, хато мулохаза ва хулосаларга кенг йўл очилаверади. Навоийнинг бошка бир газали матлаъида ўкиймиз:

**Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Куюндек хар замон бир кўрмаган водийда саргардон.**

Бу байтдаги "бало дашти" модаий-жисмоний хаётга дахлдор азоб-укубат ёки кулфат мазмунида кабул килинса, газал кахрамонининг ахвол-рухиясини тўгри шархлаш имкони бой берилади.

"Бало" - истилохий мазмунда ошиклик холининг камоли учун хакнинг содик кулига азият етказиши, огир кийинчиликлар билан синовдан ўтказиши, яъни илохий имтихондир.

Шу боис кулдаги "бало" нақадар кўп ва кудратли бўлса, унинг Хакка яқинлиги шу кадар ортади, деб ўйланган. Зеро, "авлиёнинг либоси, асфиёнинг (покланганларнинг) бешиги ва анбиёнинг ризки балодир". Шу учун хам кадим китобларда, "Хакнинг шундай дўстлари бордурки, бир лахза балосиз колсалар, неъматдан махрум бўлганлар каби ох ва фарёд чекурлар", дейилади. Шарк шоирларининг завк-шавк ила балодан такрор-такрор бахс юритишлари, сидк ила Оллохдан бало тилашларининг замини хам ана шунда. Фузулий ёзади:

*Ё раб балойи ишк ила кил ошно мени,
Бир дам балойи ишқдин килма жудо мени.*

"Балойи ишк ила" ошно киши учун ночорлик, багри чоклик, кўз ёши тўкишлар мусибат эмас, балки мақсад манзилига яқинлашув хисобланади. Акс холда Навоий "бало базми"дан шавкланиб сўзламасди. Энди иккинчи мисрага келсак:

"Ўз катик холимга ўлмастин бурун мотам тутай".

Хазрати пайгамбарнинг "Ўлмасдин бурун ўлинг!" деган машхур хадислари бор. Бунда, албатта, жисмоний ўлимга эмас, нафсни енгилга даъват килинган. Бу "ўлим" башарий

нокислик ва ожизликлардан фориг бўлган янги бир маънавий тугилиш, илохий ирода сохиби бўлиш мазмунига эга. Тасаввуф шеърятда бу ҳақда ниҳоятда кенг баҳс юритилган. Шу маънода Ахмад Яссавий хикматларидан бирини келтириш мумкин:

*Ихлосимни кўруб маъшук кўлум олди,
Файзу футух тўла бериб йўлга солди.
Бўйнуи эгиб моумонлик яксон килди,
Туфрок бўлуб ўлмас бурун ўлдум мано.*

Инсоннинг иккинчи маънавий тугилишидан олдинги ҳаёти, ундан кейинги ҳаётдан бутунлай фарк килади. Шунинг учун у олдин кечган умридан кўп афсуслар чекади, пушаймонликларини сўзлашдан марокланади. Зулматдан ёруғликка чиккан одамга ўхшаб, гафлат, нодонлик пардалари билан бурканган башарий "мен"и билан гўё видолашади. Ўзича унга мотам тутади. Худди шу эҳтиёж сабабли Навоий ҳам:

**Йиглабон бошимга оҳим дудидин чирмаб каро,
Мотамим эл сўнгра туткунча, ўзум бу дам тутай,**

-деган эди. Бундай ҳолатда фикр-карашлар, ички изтироб ва азоблар тамоман ўзгаради. Инсон ўзини бошқа бир нигоҳда кўриб, олий бир максадларда сийратини тафтишдан ўтказади. Саломатликни - маломатда кўради. Рухий ҳаётдаги шиддатли эврилиш, гўзаллик туйғусининг фавкулудда ўткирлашуви уни дунёдан йироклаштиради. Деярли ҳамма нарса кўнглида азоб кўзгайди. На ўзидан, на дунё ва аҳли дунёдан коникади. Шунинг учун:

**Олам аҳлига неча килдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай,**

-дейиш нечоглик табиий бўлса, ишк баҳрига чўмиш, комил бир муршид кўлидан "май" - ишк шаробини ичиб мастликка берилиш шунчалик заруриятга айланади. Аммо лаҳзаларда кечадиган ва юз очадиған фараҳли хол ошиқ кўнглига зохирий шодлик бағишламайди, аксинча, уни мисли кўрилмаған гам-гуссадан тугилажак кувонч оханглари бағрига тортади:

**Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,
Навха охангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.**

"Мастликдин ўзга йўқ дардим иложи, сокиё" дейди газал қахрамони. Ҳақиқатан ҳам шундай. Унинг эркинлиги ва хуррияти мана шу "мастлик"да. У хушёрликда билмаганини шу мастликда англаган, "Сокий" химмати ва марҳамати ила ўзининг ишк ва маърифатдан тугилган ва ҳар қанча ибрат олса арзийдиган янги "Мен"ини топган. Бу - ишк доялик қилган шундай бир шахсиятки, у тош отганга гул отади, қаҳрга меҳр билан жавоб бера олади. Ҳар қанака ганимлиқни дўстлик билан таслим айлайди. Жаҳон ва жаҳон элининг вафосизлиги бошига бало бўлиб ёғилганида ҳам, "фано сарриштасин", яъни вафо маслагин маҳкам тутишга доимо содиқ қолади:

**Чун жахон бирла жахон ахлига йўк эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин мухкам тутай.**

Иброхим ХАККУЛ ("Навоийга кайтиш" китобидан)